КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НОЯБРЬ ПЛЕНУМИ ОЧИЛГАНИГА БУГУН БИР ЙИЛ ТЎЛДИ

КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИДА ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

10-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 227 (2518).

19 НОЯБРЬ СЕШАНБА 1963 йил

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

Суратларда: тепада Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Карл Маркс номли колхознинг илғор теримчилари (чапдан) И. Холбоева ва З. Икромова ўртоқлар. Бу дугоналар мавсумда 15 тоннадан пахта териш учун курашмоқдалар. Пастда шу бошқармадаги Ленин номли колхознинг илғор бригада бошлиғи Нормирза Эшов. Унинг бригадаси 120 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил топширди.

А. Тўраев фотолари.

РАҲБАРЛИКНИНГ ЛЕНИНЧА ПРИНЦИПЛАРИ АМАЛДА

Бундан роса бир йил муқаддам Ватанимиз пойтахти — Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг тарихий ноябрь Пленуми ўз ишини бошлаган эди. Партиямиз ва мамлакатимиз тарихида алоҳида ўрин олган бу Пленум КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини шараф билан амалга ошириш учун кураш тарихида, мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этиш тарихида янги давр очди, социалистик экономикамизни янада улкан одимлар билан ривожлантириш йўлида порлоқ истиқболларни очиб берди. Шундан бери орадан бор йўғи бир йил вақт ўтди. Лекин шу қисқа муддатнинг ўзи ҳам Пленум қарорларининг не чоғлиқ тўғрилигини, у белгилаган тадбирлар мамлакат экономикасини юксалтиришда чинакамига революцион аҳамиятга эга бўлган тадбирлар эканлигини ҳаётнинг ўзи, турмушнинг ўзи яққол кўрсатди.

Ижодкор, яратувчи совет халқи ҳамма учун Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-Саодат барқарор этувчи коммунистик жамият қурмоқда. Ана шу жамиятнинг моддий-техника базасини барпо этиш учун кураш барча жабҳалар бўйича кенг авж олдириб юборилган ҳозирги даврда шонли партиямизнинг мамлакат ҳаётидаги роли, унинг ташкилотчилик ишлари жамият тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Партиямиз, унинг Марказий Комитети жамият тараққиётининг иқтисодий қонунларини чуқур ва ҳар тарафлама ўрганган ҳолда социалистик экономикани бошқариш формаларини тинмай такомиллаштирабориб, кейинги йилларда саноат ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасида жуда улкан ва чинакамига революцион тадбирларни амалга оширди. Ҳаёт эҳтиёжларини кўзда тутиб, Ленининнинг янги жамиятни ташкил этиш ва социалистик экономикани бошқариш формаларини доимо ва тинмай такомиллаштириб бориш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг қайта ташкил этилганлиги ана шу тадбирлар жумласидандир.

Раҳбарликнинг илгариги ташкилий формалари, район, шаҳар, область, ўлка партия ташкилотлари ва уларнинг раҳбарлик органлари территориал принципга қараб тузилган эди. Улар муайян тарихий шароитларда вужудга келган эди ҳамда ўзининг ижобий ролини ўйнадилар. Аммо кейинчалик экономикамиз ғоят катта одимлар билан тинмай юксалаётган ва ривожланаётган бир пайтда бу раҳбарликнинг ташкилий формалари саноат ва қурилишнинг ҳамма тармоқлари билан конкрет шуғулланиш, камчиликларни йўқотиш учун ўз вақтида самарали чоралар кўриш имконини бермай қолди. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми, партия раҳбар органларини қуйидан тортиб юқоригача қуришнинг ишлаб чиқариш принципига ўтиш зарур, деб топди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари билан планли ва ишнинг кўзини билган ҳолда шуғулланиш мақсадида илгариги мавжуд ўлка, область доирасида қоида тариқасида икки мустақил ўлка, область партия ташкилотлари тузилди. Жумладан, бизнинг областимизда ҳам алоҳида-алоҳида саноат область партия комитети ва қишлоқ область партия комитети тузилди.

Партиянинг бошқа органлари ҳам янгича қурилди.

Пленум қарорлари асосида мамлакатда контроль системасининг ленинча принциплари қайта тикланди. Эндиликда партия-давлат контроли комитетининг органлари ва уларнинг минг-минглаб активлари жойлардаги камчиликларни тугатишда, мавжуд резерв ва имкониятларни очиб ташлаш ҳамда уларни ишга солишда жуда катта ташкилий ва тарбиявий иш олиб бормоқдалар.

Пленумнинг Ўрта Осиё республикалари экономикасини янада ривожлантириш, моддий-ресурслардан тағин ҳам тўлароқ фойдаланиш мақсадида амалга оширган тадбирлари жуда катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлди. Шу мақсадда Ўрта Осиёдаги ҳамма республикалар саноатига раҳбарлик қилувчи ягона орган — Средазсовнархоз тузилди. Худди ана шундай принцип асосида қишлоқ хўжалигига раҳбарликни яхшилаш учун Ўрта Осиё пахтачилик Бош бошқармаси, капитал қурилишга раҳбарлик қилувчи янги орган — «Средазстрой» тузилди. КПСС Марказий Комитетининг Ўрта Осиё бюросининг тузилганлиги — Ўрта Осиё республикалари экономикаси ва маданиятини янада юксалтиришда янги давр очди.

Халқ хўжалигига партия раҳбарлигининг қайта ташкил этилганлиги ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қайта қурилишнинг самаралари ҳозирнинг ўзидаёқ яққол кўзга ташланиб турибди. Буни республикамиз, шу жумладан областимиз экономикасида ҳам кўрса бўлади. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳозиргача Ватан омборларига 3 миллион 500 минг тоннадан ортиқроқ «оқ олтин» топширдилар. Пахтачилик тарихида ҳали ҳеч қачон бу қадар кўп миқдорда ҳосил олинмаган эди. Экономикага конкрет раҳбарлик қилинаётганлиги туфайли областимизда қолоқ хўжаликлар кескин камайди ва улар эндиликда илғор хўжаликлар билан бир сафдан ўрин олдилар. Худди шундай аҳволни саноатимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Область саноати ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни 9 процент оширди. Халқ хўжалиги учун энг муҳим маҳсулотлар чуночи, машинасозлик, оғир индустрия саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди. Экономиканинг барча тармоқларига конкрет раҳбарлик таъминлангач, қишлоқ хўжалиги ва саноатда ички имкониятлардан тўлароқ фойдаланилмоқда.

Шу кунларда бутун мамлакат партиямиз ҳаётидаги катта воқеага — КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумига зўр тайёргарлик кўрмоқда. Ҳамма ерда меҳнаткашларнинг ташаббуси ва ижодий ғайрати жўш урмоқда. Социалистик экономикамизни юксалтиришнинг янги истиқболларини белгилаб берувчи Марказий Комитетнинг бўлажак Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш — областимиздаги барча меҳнаткашларнинг ватанпарварлик бурчи, шон-шараф ишидир.

ОБЛАСТИМИЗДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ

18 НОЯБРГАЧА

Бошқармалар	Кунлик ўсиш	Мавсум бошидан
Оққўрғон	0,59	115,83
Юқори Чирчиқ	0,56	102,80
Ўрта Чирчиқ	0,45	97,17
Бўка	0,84	94,22
Янгийўл	0,36	91,63
Калинин	1,01	89,83
Бекобод	0,68	84,85
Область бўйича	0,60	96,72

ПАХТА ФРОНТИДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУРАШГА!

ОБЛАСТИМИЗДА 18 НОЯБРГА ҚАДАР 308545 ТОННА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. МАРРАГА ЕТИШ УЧУН ЯНА 10475 ТОННА ПАХТА ТОПШИРИШИМИЗ КЕРАК.

ОҚҚУРҒОНЛИК, ЮҚОРИЧИРЧИҚЛИК азаматларга балли! Улар планни бажарганларидан кейин ҳам суръатни сусайтирганлари йўқ. Оққўрғонлик миришкорлар ҳозиргача мажбурият ҳисобига 8853 тонна, юқоричирчиқликлар 452 тонна «оқ олтин» армуғон этдилар.

Навбат ўрта чирчиқликларга. Улар эл хирмонига тўккан пахта 48547 тоннага етди, яна 1413 тонна пахта топширса улар ҳам илғорлар қаторидан ўрин оладилар.

БЕКОБОД, БЎКА, КАЛИНИН, ЯНГИЙЎЛ БОШҚАРМАЛАРИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ! Нега, суръатни бўшаштирдингиз юбордингиз?! БЕКОБОДЛИКЛАР ҳаммадан орқада қолмоқдалар. Улар 46060 тонна ўрнига 39082 тонна пахта етказиб бердилар, яна 6978 тонна пахта топширганларидагина план бажарилади. Калинин бошқармаси маррага етиш учун 1883 тонна, Бўка бошқармаси эса 3528 тонна пахта тайёрлашлари лозим.

ОБЛАСТДА ЭНГ ИЙРИҚ ЯНГИЙЎЛ бошқармаси меҳнаткашлари! Ваъдаларга вафо қани?! Ҳал қилувчи дамларда нега суръатни бўшаштириб юбордингиз. Сизлар 71320 тонна ўрнига 65342 тонна пахта сотдингиз. Қолган 5978 тонна «оқ олтин»ни қачон топширасиз?

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИ: ҳозир элнинг кўзи сизларда. Далада план ва мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳосил бор. Ҳар соат ва ҳар минут ғанимат. Отни қамчиланг, пахта тайёрлаш планини тезроқ бажариш учун курашингиз.

ОЛТИН КИТОБ қаҳрамонлари

Тошкент қишлоқ область партия комитети ва область ижроия комитети пахта териш бўйича мавсум нормасини ортиғи билан бажарган қуйидаги механик-ҳайдовчиларга ташаккур эълон қилдилар. Уларнинг номлари область «Олтин китоби»га ёзилди.

Жапар НОРМУРОЛОВ — Бўкадаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Ином ИСОҚОВ — Бўкадаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Саидумар ИСРОИЛОВ — Бўкадаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Имат МУРОТОВ — Бўкадаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Ҳайдар РУСТАМОВ — Бўкадаги «Коммунизм» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Тўлаган АЛИЕВ — Бўкадаги Ильич номли колхознинг механик-ҳайдовчиси.

Турғун УСМОНОВ — Бўкадаги Ильич номли колхознинг механик-ҳайдовчиси.

Уммат АЛИЕВ — Бўкадаги Ильич номли колхознинг механик-ҳайдовчиси.

Усмонқул ҲАЙДАРОВ — Бўкадаги «Ленин йўли» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Худойберди УСМОНОВ — Бўкадаги «Ленин йўли» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

Маннон КЎШАЕВ — Бўкадаги Тельман номли колхознинг механик-ҳайдовчиси.

„Правда“ колхозининг ғалабаси

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашаётган Юқори Чирчиқдаги «Правда» колхозининг азамат деҳқонлари катта ғалабани қўлга киритдилар. Улар давлат омборларига 2452 тонна «оқ олтин» топшириб пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил ўртача 36 центнерданга етди.

Колхозчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пахта топширишни давом эттириш ва гектар бошига ҳосилдорликни 36,5 центнерга кўтариш учун курашмоқдалар.

Колхозчилар суръатга суръат қўшиб яна пландан ташқари 100 тонна пахта топириш мажбуриятини олдилар.

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленумини ишлаб чиқаришда янгидан-янги ғалабалар билан кутиб олиш учун курашаётган Оққўрғондаги Куйбишев номли колхоз пахтакорлари Ватан хирмонига кундан-кунга кўпроқ «оқ олтин» топширмоқдалар.

Бу колхозда план бажарилганига анча вақт бўлди. Лекин бир кун ҳам суръат бўшашгани йўқ. Пахтакорлар пландан ташқари Ватанга 400 тонна «оқ олтин» сотиш ҳақида социалистик мажбурият олишган эдилар. Кеча колхозчилар ўз зиммаларига олган бу мажбуриятни ҳам шараф билан бажардилар.

Ҳали колхознинг бригада ва звеноларида ҳосил жуда кўп. Улар кузги-қишки ишларни йиғим-теримга боғлаган ҳолда олиб бормоқдалар. Колхозчилар даладаги ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан йиғиб-териб олиб қўшимча равишда яна 100 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилдилар. Шу кечакундузда ҳар бир теримчи белгиланган янги маррага тезроқ етиш учун ҳаракат қилмоқда.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ЭРОНДА БЎЛИШИ

ТЕҲРОН, 18 ноябрь. (ТАСС). Эронда расмий визит билан меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежнев кеча шоҳ Муҳаммод Ризо Паҳлавий билан учрашди.

Суҳбат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Шу куниёқ Л. И. Брежнев паҳлавийлар салоласининг асосчиси, ҳозирги Эрон шоҳининг отаси Ризо шоҳнинг соғонасига гулчамбар қўйди. Гулчамбарнинг қизил лентасига: «СССР Олий Совети Президиумининг раиси Л. И. Брежневдан» деган сўзлар ёзилган эди.

Л. И. Брежнев ва унинг ҳамроҳлари Ризо шоҳ хотирасини бир минут сукут қилиб ҳурматладилар.

Гулчамбар қўйиш маросимида шоҳнинг укаси шаҳзода Ғулом Ризо Паҳлавий ҳозир бўлди.

Л. И. Брежневнинг резиденцияси Гулистон саройидан Ризо шоҳнинг мақбараси жойлашган Рай шаҳрига бўлган йўлда ҳурматли совет меҳмонини кўчаларда тўпланган минглаб теҳронликлар табриклаб туришди.

Эрон Бош министри Асадулла Аълам СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг резиденциясига расмий визит билан келди.

Шу учрашув вақтида бўлган суҳбатда Л. И. Брежневнинг ҳамроҳлари ҳозир бўлишди.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг Гулистон саройидаги резиденциясида Эрондаги элчихоналар ва миссияларнинг бошлиқларини Л. И. Брежнев билан таништириш маросими бўлди.

ТАСС АХБОРОТИ

„КОСМОС — 22“ ПАРВОЗДА

1963 йил 16 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—22» учирилди. Йўлдош ичига ТАСС томонидан 1962 йил 16 мартда эълон қилинган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Илмий аппаратлардан ташқари йўлдошда 19,995 мегагерц частотада ишлайдиган радиопередатчик;

орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радиосистема;

приборларнинг ва илмий аппаратларнинг иши ҳақидаги маълумотларни Ерга юбориб турувчи радиотелеметрик система бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПАХТАСИ 3.500 МИНГ ТОННАДАН ОШДИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА

ПАРТИЯ РАҲНАМОЛИГИДА

КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини ҳамда партиямиз янги Программасида белгиланган улуғвор режаларни амалга ошириш учун курашда гоят муҳим босқич бўлиб қолган КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумидан бери орадан роса бир йил ўтди. Ноябрь Пленумни Коммунистик партия, совет халқи ва бутун мамлакат ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жуда зарур масалаларни қараб чиқди ҳамда бу соҳадаги тегишли тадбирларни белгилади.

Марказий Комитетнинг ноябрь Пленумида кўриб чиқилган ва кенг муҳокама қилинган масалалар — халқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада яхшилаш, мамлакатимизда партия-давлат ҳамда жамоат контролини такомиллаштириш ва бошқа қатор масалалар фақат совет халқининггина эмас, шу билан бирга бутун тараққийпарвар инсониятнинг диққат-эътиборини ҳам ўзига қаратди. Улар Пленум қарорларини якдиллик билан қабул қилиб, уни қизғин қўллаб-қувватладилар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Пленумда «СССР экономикасини ривожлантириш ва халқ хўжалигига партия раҳбарлиги» тўғрисида катта доклад қилди. Докладда, шунингдек Пленум қарорларида мамлакат экономикасини ривожлантириш ва совет халқининг турмуш шароитини тағин ҳам яхшилаш, коммунистик жамиятни тезроқ қуришга қаратилган бир қанча проблемалар ўртага ташланди; партия раҳбарлигининг янги формаларига ўтиш, саноат ва қурилишни бошқаришни янада такомиллаштириш, планлаштириш ишларини тартибга солиш, бошқаришнинг демократик принципларини ривожлантириш, партия-давлат контролининг ленинча принципларини қайта тиклаш масалаларига катта эътибор берилди.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми мамлакатимизда коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги шароитда партия ва давлат иқтисодий фаолиятининг аҳамияти тобора ортиб боришини алоҳида уқтириб ўтди. «Ҳозирги вақтда, — дейилади Пленум қабул қилган қарорда, — партиядан тўғри шнорни ўз вақтида бера билишгина эмас, балки ишлаб чиқаришга, саноат, қишлоқ хўжалигининг, экономика барча тармоқларининг ривожланишига ишнинг кўзини билиб кун сайин ва конкрет раҳбарлик қилиш ҳам талаб этилади».

Бизнинг шонли ленинча партиямиз етакчи партия бўлганлиги сабабли унинг ҳозирги коммунистик қурилиш даврида мамлакат ҳаётидаги роли чиндан ҳам мислсиз равишда ўсмоқда, унинг ташкилотчилик ишлари жамият тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат улуғвор программанинг муваффақиятли равишда амалга оширилиши Коммунистик партиянинг ўз фаолиятини қандай ташкил этишига, экономиканинг ҳамма тармоқларини қай йўсинда бошқаришига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Коммунистик партия етилган муҳим масалаларни ўз вақтида кўриб чиқиб ва тегишли тадбирлар белгилаб, совет халқи бажараётган жуда катта ишларга ленинча донолик билан раҳбарлик қилаётир.

Ноябрь Пленумида кенг муҳокама қилинган масалалардан бири — партия раҳбарлигининг янги формаларига ўтиш масаласи бўлди. Бунда партия органларининг структурасини тубдан ўзгартириш, бу органларни коммунистик қурилиш вазифаларига мувофиқ қилиб қайта қуришга алоҳида эътибор берилди.

Мамлакатимизда коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги давр партия ва халқ олдига янги вазифалар ҳамда янги талаблар қўйганлиги, эндиликда эскича усуллар билан ишлаб бўлмаслиги, эскилик тараққиётга, олға томон ҳаракатга халақит бериши Пленумда кўрсатиб ўтилди.

Коммунистик партия XX съезддан кейин саноат, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида жуда катта режаларни амалга ошираётганида ана шу хилдаги эскилик қолдиқларига дуч келган эди. Шунда ленинча партиямиз бу тўсиқларни ўз йўлидан дадиллик билан улоқтириб ташлади. Шахсга сиғиниш даврида вужудга келган ва мамлакат экономикасини ривожлантириш йўлида жиддий тўсиққа айланиб қолган, эскирган кўпгина маҳкамачилик-бюрократларча ишлаш формалари шу тариқа қатъият билан ғуғатилди. Бу — партия ва халқнинг жуда катта ғалабаси эди.

Янги давр ўзи билан бирга янги талабларни ҳам келтириб чиқаради. Шу сабабдан эски ташкилий формаларнинг яроқсиз бўлиб қолганлиги, улар партиянинг ишлаб чиқаришга яқиндан раҳбарлик қилишига маълум даражада гов бўлаётганлиги кўзга ташланди. Бу ҳолни шу билан изоҳлаш керакки, мамлакат халқ хўжалигининг миқёси мисли кўрилмаган даражада кенгайиб кетди. Натижада партия органларининг хўжаликка раҳбарлик қилишида илгари вужудга келган формалар замон талабига жавоб беролмай қолди. Улар партия ташкилотлари бажариши лозим бўлган жуда катта вазифаларни қамраб олишга торлик қила бошлади.

Шуни назарда тутиб, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми халқ хўжалигига раҳбарликни яхши йўлга қўйиш мақсадида партия раҳбар органларини қуйидан тортиб юқоригача қуришнинг ишлаб чиқариш принципига ўтишни зарур деб топди. Бу янги тадбир мамлакатимизнинг саноати, қурилиши ва қишлоқ хўжалигига тағин ҳам конкретроқ ва планли раҳбарлик қилишни таъминлади, ишлаб чиқаришга яқинроқ туриш ва унга доир масалаларга асосий эътиборни қаратиш имконини туғдирди. Бу қайта қуриш туфайли партия органларининг бутун куч-ғайрати коммунистик қурилишнинг асосий вазифаларини ҳал қилишга қаратиладиган бўлди.

Илгарги қишлоқ район партия комитетлари ўрнига тузилган колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетлари ҳозир самарали иш олиб боряпти. Улар асосан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик қилмоқдалар. Айни замонда улар маданий-оқартув, таълим-тарбия, медицина муассасалари, маориф ва бошқа соҳалар билан ҳам яқиндан шуғулланиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Ноябрь Пленуми раҳбарликнинг ленинча принципларини юксак босқичга кўтариб ҳамда халқ хўжалигига партия раҳбарлигини янада яхшилашга қаратилган чинакам революцион тадбирларни белгилаб жуда катта иш қилди. Партия-давлат контролининг ленинча принципларини қайта тиклади ва бу принципларга қаттиқ риоя қилишни талаб этди.

В. И. Ленин Совет давлати ташкил топган дастлабки кунлардан бошлабоқ юқоридан пастгача контролни ташкил қилиш ва ижрони текширишга жуда катта аҳамият берган эди. Ленин «КИШИЛАРНИ ТЕКШИРИШ ВА ИШНИНГ ҲАҚИҚИЙ ИЖРОСИНИ ТЕКШИРИШ КЕРАК, — бутун ишнинг, бутун снёсатнинг моҳияти энди ана шундадир, фақат ва фақат шундадир», деб уқдирган эди.

Улуғ доҳи социалистик давлатда контролни ташкил этишнинг асосий принципларини ишлаб чиқди. У контролнинг доимий бўлишини талаб қиларди. Марказий Контроль Комиссияси — Ишчи-Деҳқон Инспекцияси бошчилигида партия-давлат контролининг мунтазам системаси В. И. Ленининнг ташаббуси билан ҳамда унинг бевосита раҳбарлиги остида тузилганлиги бечиз эмас.

Бироқ, шахсга сиғиниш даврида бошқа ленинча принциплар қатори партия-давлат контролини ташкил этиш принциплари ҳам қўпол равишда бузилди. Бунга асосан Сталининнг оммадан ажралиб қолгани, оммани менсимай ва унинг фикри билан ҳисоблашмай қўйгани сабаб бўлганлиги ҳаммага маълум.

Партия-давлат контролининг ленинча принциплари қайта тикланганлиги, контроль ишларида миллионлаб кишилар актив иштирок этаётгани Коммунистик партия ва Совет ҳукумати амалга оширган буюк иш бўлди. Контролни ташкил этишда кенг меҳнаткашлар оммасининг актив қатнашаётганлиги унинг энг демократик система эканлигини кўрсатади. Бу система шунинг учун ҳам диққатга сазоворки, у бюрократларга ва сансалорчиларга, ҳокиминятни суиистеъмол қилишга, текинхўрларга ва халқ мулкини талон-торож қилувчиларга қарши курашда партия ва давлат қўлидаги ўткир қуролдир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида қилган тарихий доклади ҳамда улуғвор режаларни ўзида акс эттирган Пленум қарорлари — мамлакатимиздаги коммунистик қурилиш назарияси ва практикасига қўшилган бебаҳо ҳиссадир.

Турмуш Пленум белгилаган тадбирларнинг тўғри ва ҳаётчан эканлигини тўла тасдиқламоқда. Совет халқининг экономика, халқ хўжалиги, фан, маданият ва бошқа соҳаларда қўлга киритаётган зафарлари шундан далолат беради.

Т. РАСУЛЕВ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

Бекобод цемент заводининг мастери С. Каримқулов бошчилигидаги смена аъзолари йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун курашмоқдалар. Тепадаги суратда: сменанинг коммунистик меҳнат зарбдорлари Ф. Аппазов, Р. Рустамов ва С. Каримқулов ўртоқлар.

Қўйлиқдаги 2-темир-бетон буюмлари заводи ишлаб чиқараётган қурилиш материаллари ҳам сифатли, ҳам салмоқли. Суратда: (пастда) янги қурилиш объектлари учун навбатдаги темир-бетон фермалари жўнатилаяпти.

А. Тўраев ва М. Нуриддинов фотолари.

Совет халқи Ленин йўлини изчиллик билан амалга ошира бориб, ўз меҳнати билан социализмнинг қудратли экономикасини яратди ва эндиликда шу экономикага таяниб, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш вазифасини муваффақиятли ҳал қилмоқда.

Н. С. ХРУШЧЕВ.

ҲАЁТИЙ ТАДБИР

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини кескин юксалтириш соҳасида озмунча тадбирларни амалга оширмади. Қишлоқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуриш соҳасида кўрилган тадбир коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтириш йўлида қўйилган катта қадам бўлди. Бунга КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумида асос солинди.

Ҳаёт, тажриба партиямиз томонидан кўрилган бу тадбирий чора нақадар муҳимлигини исбот этди. Ишлаб чиқариш бошқармалари ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб иш кўрганликлари туфайли яхши натижа беравошлади.

Район партия комитети бор вақтида у ёки бу масала юзасидан бирон ходимга топшириқ берилганда умумий кўрсатма, умумий андоза асос қилиб олинар эди. Бошқарма ташкил бўлгач, бундай умумийчиликка батамом чек қўйилди.

Бошқарма ҳар бир нарсадан тежаб-тергаб фойдаланиш йўлини тутди. Бир қатор хўжаликларда маъмурий аппаратлар ихчамлаштирилди. Янги органларнинг тузилиши натижасида ҳар бир колхоз ва совхознинг шароитини атрофлича тушуниб, уларга конкрет ёрдам ва мадад бериб бориш мумкин бўлди. Биринчи навбатда колхозларга ёрдам берилди.

Мана, бир йилнинг ўзидаёқ биз эришган ютуқлар қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг янги системаси қанчалик афзаллигини кўрсатди. Айтиш мумкинки, ҳамма соҳани бир текисда ривожлантириш учун бўлган курашда яхши натижалар қўлга киритилди, асосий тармоғимиз — пахтачилик кескин юксалди. Бошқарма бўйича бу йил 23 минг 547 тектар ерда пахта етиштирилди. Ҳар гектар ердан 22 центнердан ҳосил кўтаришимиз, давлатга 49 минг 960 тонна пахта топширишимиз керак. Шу кунгача топширган пахтамиз 49 минг тоннага етиб қолди.

Охунбобоев номли, «Полярная звезда», «Северний маяк», «Ленин йўли» колхозлари шаҳдам қадамлар билан илгарилаб бормоқдалар.

Бошқармамиз меҳнаткашлари партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларига амал қилиб, чорвачилик, галлачилик, лубкорлик ва хўжаликнинг бошқа тармоқларини юксалтиришда ҳам янги марраларга интилмоқдалар.

Биз бундан буён ҳам колхоз ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш йўлида партиямиз белгилаб берган тадбирларни изчиллик билан амалга оширавераміз.

Т. ОРТИҚХУЖАЕВ,
Урта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

КПСС Марказий Комитетининг бундан бир йил муқаддам бўлиб ўтган ноябрь Пленуми қарорларида халқ хўжалигини ривожлантириш ва унга партия раҳбарлигини янада яхшилаш масалалари билан бир қаторда, партия-давлат контроли ишини қайтадан ташкил этиш тўғрисидаги вазифалар ҳам ҳал қилиб берилди. Шу орада мамлакатимизда партия-давлат контроли кенг халқ оммаси иштирокида Ленин принципларига асосланган ҳолда қайта тузилди. Ноябрь Пленумининг қарорлари бутун совет халқи томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Шу туфайли партия тадбирлари ҳозир яхши самара бермоқда.

Шаҳримизда тузилган партия-давлат контроли комитети контролнинг ленинча принципларига асосланиб, саноат, қурилиш, транспорт ва савдо соҳаларида рўй берган камчиликларга қарши актив кураш олиб бормоқда. Комитет ишида 800 кишн иштирок этяпти. Улар орасида ишчилар, инженерлар, техниклар ва бошқа касбдаги мутахассислар бўлиб, аксарияти коммунистлардир.

Халқ контролёрлари корхоналарнинг план ва мажбуриятларни қандай бажараётганликлари, техникадан ва моддий-техника ресурсларидан қай хилда фойдаланилаётганлиги, корхона ва қурилишларда меҳнат қандай ташкил қилинганлиги устидан қаттиқ назорат ўрнатдилар. Яқинда партия-давлат контроли комитетига «Ангрен ГРЭСстрой»нинг қурилиш майдончасида қимматбаҳо асбоб-ускуналар очиқ жойда сақланаётганлиги, улар занглаб ётганлиги тўғрисида сигнал келди. Шу асбоб-ускуналардан фойдаланиш вақти келганда, уларнинг кўпчилик деталлари етишмагани ҳамда шу деталларни етказиб бераётган заводга янги заказлар билан мурожаат қилишга тўғри келганлиги, бунинг учун ортиқча маблағ сарф бўлаётганлиги, монтаж ишлари графиги бузилганлиги аниқланди. Бу сигналга жавобан «Ангрен ГРЭСстрой»нинг халқ контролёрлари қурилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатдилар. Текшириш натижалари монтажчилар коллективининг иштирокида партия мажлисида муҳокама қилинди. Айбдор шахслар жазоланди. Натижада асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари ҳозир тўла тартибга солинган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Оҳангарондаги 9-шахтанинг халқ контролёрлари шахтадаги транспорт ишини тартибга солишда катта ёрдам бердилар. Техника хавфсизлиги қоидалари тез-тез ва кўпол равишда бузилиб турадиган ана шу шахтада ҳозир тартиб ўрнатилди. 3-қурилиш бошқармаси контролёрларининг актив иштирокида янги шаҳарнинг 9-кварталидаги турар-жой биноларини газ билан таъминлашга эришилди.

Шаҳримиздаги халқ контролёрлари нон маҳсулотларини тўғри тақсимлаш ишида ҳам тартиб ўрнатдилар. Бунинг учун партия-давлат контроли комитети махсус постлар тузиб, магазинлар, ошхоналар, нон заводида ва бошқа озиқ-овқат муассасаларида нон маҳсулотларини тўғри сарфлашга ёрдам берди. Бу ишда 189 жамоатчи контролёр иштирок қилди.

Партия-давлат контроли комитети кенг жамоатчиликка таяниб, корхона ва муассасаларда илгари рўй бериб келган кўпгина камчиликларнинг олдини олиш, уларга асло йўл қўймаслик учун актив курашди ва бу соҳада катта муваффақиятларга эришди. Натижада бу жойларда ишлаб чиқариш жараёнлари ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилмайдиган, маҳсулот сифати аълога топширилади ган бўлди.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда партия-давлат контроли иши тўғри тузилганлиги, бунда ленинча принципларга амал қилинаётганлиги самарасидир.

Н. КОБЗЕВ,
И. АҲМЕДОВ.

КАТТА ОДИМ

КПСС Марказий Комитетининг химия саноатини янада ривожлантириш масаласига бағишлаб чақириладиган декабрь Пленумига муносиб совғалар ҳозирлаш — ҳар бир коллектив, ҳар бир ишчи қалбидан чуқур жой олган. Биз мана шундай сердавқ айёмда партиямиз Марказий Комитети ноябрь Пленумининг бир йиллигини нишонлаяпмиз.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми қарорлари асосида халқ хўжалигига партия раҳбарлиги қайта ташкил этилди. Бу халқ хўжалигининг турли соҳаларига раҳбарликни тубдан яхшилади, мамлакат экономикасининг ривожланиш суръатини янада тезлаштирди.

Шаҳар партия комитети мавжуд 20 саноат корхонасининг барчасида ишни Пленум қарорлари асосида қайта ташкил этди. Ўтган йили давлат планларини бажараолмаган Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, «Ўзбекхиммаш» заводи каби йирик корхоналарни юксалтиришга алоҳида эътибор берилди. Натижада шаҳар саноат корхоналари 1963 йил октябрь ойи планини 107,1 процент, ўн ойлик планни эса 103,9 процентга етказиб бажардилар. Меҳнат унумдорлиги, техник кўрсаткичлар бўйича ҳам катта ютуқларни қўлга киритдик.

Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ички резервларни қидириб топишда айниқса зўр ғайрат кўрсатмоқдалар. Агар ўтган йил давомида атиги 247 та таклиф тушиб, жами 256 минг сўмлик иқтисодий фойда кўрилган бўлса, бу йилнинг фақат икки ойи мобайнида комбинат рационализаторлари ва ихтирочиларидан 272 та муҳим таклиф тушди. Улар ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида 843 минг сўмлик маблағ тежаб қолинади. Корхона меҳнатсеварлари ўтган ўн ойлик ишлаб чиқариш топшириқларини анча ошириб адо этдилар.

«Ўзбекхиммаш» заводи коллективи эришаётган ютуқлар ҳам мақтовга сазовордир. Корхонада автоматика ва механизациянинг ишлаб чиқаришга кенг жорий этилаётганлиги бу ерда муваффақиятлар гарови бўлаяпти.

Металларни автоматик пайвандлашга ўтилгандан бери иш суръати 60 процент тезлашди. Ўнлаб ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилганлиги ҳозиргача 51 асосий ишчи ва 24 ёрдамчи ишчи кучини тежаб қолиш имконини туғдирди. Шу каби янгиликлар шарофати билан корхона 274 минг сўмлик маблағни иқтисод қилаяпти.

Корхона меҳнатсеварлари шу кунларда КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми очилиши кунини илгариги зиммага олинган мажбуриятга қўшимча равишда 1964 йилнинг биринчи кварталида бажарилиши лозим бўлган аппаратлардан яна 13 тасини шу йил тайёрлаб бериш билан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

Партиямиз Марказий Комитети ноябрь Пленумидан сўнг «Чирчиксельмаш» заводининг ўртоқ А. Зайцева бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари оширилган норма билан меҳнат қилиш ташаббусини бошлаб бердилар.

Электрохимия комбинати коллективи ҳам меҳнатга янгича, коммунистик муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатмоқда. Электролиз цехи аппаратчиси Эргаш Пирматов ўтган қисқа вақт ичида икки марта қолоқ участкага ўтиб, уларни ҳам илғорлар сафига кўтараолди. Комбинат химиклари қишлоқ хўжалигига энг арзон ўғит етказиб бериш учун кураш бошлаб, аммиак таннархини арзонлаштиришга муваффақ бўлдилар.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленуми коммунизм моддий-техника базасини яратишда буюк истиқболлар очиб берди. Шаҳримиз саноатчилари порлоқ келажагимиз — коммунизм тантанасини яқинлаштиришдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиш учун тинмай кураш олиб борадилар.

И. МУСИН,
Чирчиқ шаҳар партия комитетининг секретари.

Тошкент политехника институтининг химия полимерлари проблемаси лабораториясида фаннинг янги-янги сирлари очилаяпти. Суратда: (чапдан) аспирантлардан Г. Коробченко ва П. Мансуров ўртоқлар канди датлик диссертациялари устида ишлаяптилар.

А. Тўраев фотоси.

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРИ

Тўққиз йил ичида (1954—1962 йиллар) СССРда саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 10,7 процент, Америка Қўшма Штатларида эса 2,9 процент бўлди. Совет Иттифоқида саноат маҳсулотининг абсолют ўсиши Қўшма Штатлардагига нисбатан икки баравардан зиёд ортиқдир.

●

Совет Иттифоқида бу йил ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти 1913 йилда чор Россиясида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотидан 52 баравар ортиқ бўлади. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноатининг бир ҳафтада ишлаб чиқараётган маҳсулоти бутун 1913 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг миқдорига баравардир.

●

Социализм мамлакатларида саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1962 йилга келиб урушдан аввалги 1937 йилдагига нисбатан саккиз баравар кўпайди. Капитализм дунёсида саноат ишлаб чиқариши ҳажми шу давр ичида атиги 2,6 баравар ошди.

ЛЕНИНЧА ҒОЯЛАР ТАНТАНА ҚИЛМОҚДА

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРИ

1920 йилда Совет республикасида жами 8.699 киловатт қувватли 100 электр станцияси қурилган эди. 1920 йилда ички контрреволюция ва чет эл империалистларининг ҳужумларини даф қилиш керак эди. Уша даврда вайронгарчилик ва очарчилик ҳукм сурган мамлакат учун янги қурилган ана шу 100 электр станцияси мўъжизадек туюлган эди.

В. И. Ленин ана шу ва бошқа рақамларни айтиб бундай деб ёзган эди: «Жуда катта мамлакатимиз учун бу иш ҳар қанча кам бўлиб кўринса ҳам, ҳар ҳолда яхши иш бошланди, иш юришиб кетди ва бундан буён яхши юришиб бора беради».

Ҳақиқатан ҳам ишимиз жуда яхши юришиб кетди. Бу йил, Улуғ Октябрнинг 46-йилида жами 9,6 миллион киловатт қувватли электр станциялари ишга туширилади.

●

Етти йилликнинг беш йили мобайнида ишга туширилган янги электр станцияларининг қуввати 38,5 миллион киловаттга боради. Бу Франциядаги барча электр станцияларининг умумий қувватидан тахминан бир ярим баравар ортиқдир.

●

СССРнинг химия саноати Европада биринчи ва жаҳонда иккинчи ўринда турибди. Етти йилликнинг дастлабки тўрт йили мобайнидагина химия саноатининг 200 та янги йирик корхоналари қурилди. Бу йил химия маҳсулоти ишлаб чиқариш 17 процент ортади, химия саноатига сарфланадиган капитал маблағ эса 36 процент кўпаяди.

●

Икки йил ичида — бу йил ва келгуси йилда мамлакатимизда йилига 17 миллион тоннадан кўпроқ минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ишга туширилади. Химиявий ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида янги қувватларни оширишнинг бундай суръатлари жаҳондаги бошқа ҳеч қайси мамлакатда кўрилган эмас.

ФАҚАТ СЕМИЗ ВА ЁҒЛИҚ

— Давлатга фақат семиз ва ёғлиқ гўшт етказиб берамиз.

Уртаовул бўрдоқичилик пунктининг ходимлари ана шу мақсад билан меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу пункт март ойида ташкил бўлган эди. Қисқа вақт ичида катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Олти ой давомида пландан ташқари бир қанча миқдорда гўшт етиштирилди. Бўрдоқиға боқиш плани ортиги билан бажарилди. Молларни семиртириш ҳисобига 171 тонна гўшт топширилди. Молбоқарларнинг фидокорона меҳнати туфайли йирик шохли қорамоллар сутхасига 700 граммдан, қўй-эчкилар эса 90 граммдан семирди. Шундай қилиб йирик шохли қорамолларни бўрдоқиға боқиш муддати 73 кундан 55 кунга келтирилди.

Қўчқор Ҳамидов, Лиза Спиварова, Бегали Холиқулов, Фотиҳ Ортиқов, Лутфулла Иноятхўжаев каби бригадир ва молбоқарлар айниқса бошқаларга намуна бўлишди.

Коллектив 1 декабрга қадар давлат планини ортиғи билан бажариш ва пландан ташқари 125 тонна аъло сифатли гўшт топшириш учун курашмоқда.

Х. ГАЛИЕВ.



ТЎРТ ТОННАДАН—ҚИРҚ ТОННА

Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ўзбекистон» намуна хўжалиги асосан уруғ етиштирадиган хўжаликлардан ҳисобланади. Бу колхозда картошка уруғи тайёрлашга алоҳида эътибор берилади.

Уруғ учун экилаётган турли навдаги картошкаларнинг ичида «Обидов» навли картошка ўзининг серҳосиллиги билан бошқа нав картошкалардан ажралиб туради. Бу навдаги картошка уруғи экилган майдонларнинг ҳар гектаридан 30 тоннагача етказиб ҳосил олиш мумкин. Шунинг учун ҳам колхоз аъзолари картошканинг «Обидов» навини кўпайтиришмоқчи.

Бу йил колхознинг 6-бригадасида ана шу навдаги картошкадан тўрт тонна уруғ экилган эди. Шу нав картошка уруғи экилган 1,5 гектар ер агротехника қоидаларига тўла амал қилиб ишланди. Натижа ёмон бўлмади. 1,5 гектар майдондан 40 тонна ҳосил кўтарилди. Олинган ҳосилнинг ҳаммаси уруғ учун ажратилди. Келгуси йили бу бригада «Обидов» навли картошка уруғини яна 15 гектар ерга экишни мўлжаллаяпти.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

Сўнгги грамм, сўнгги кўсаккача! Ана шу шиор остида меҳнат қилаётган областимиз меҳнаткашлари 321 минг тонналик хирмонни тезроқ бунёдга келтириш учун ғайрат қилмоқдалар. Суратларда: (чапдан) Янгийўл бошқармасидаги «Қизил Октябрь» колхозининг илғор теримчиси Роза Тингибекова. У ҳар куни 120—150 килограммга етказиб кўсак теряпти. Ўнгда шу бошқармадаги «Москва» колхозининг бригадири, ҳар гектар ердан 29 центнердан ҳосил олинишини таъминлаган миришкор Нурмаҳамад Усмоновни кўриб турибсиз. Ўртадаги суратда эса пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли бунёдга келтирилган «оқ олтин» бунтлари. Бу сурат «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан олинган.

Т. Гибадуллин ва А. Абалян фотолари.

БИР ЙИЛДА 15 ЦЕНТНЕР

Ҳамма гап ташкилотчилиқда, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилишда экан. Бўлмаса бундан аввалги йиллари гектаридан 10 центнер атрофида ҳосил олиб келинган бригадада ҳосилдорлик бир йилнинг ўзида гектар бошига 15 центнерга ортармиди?

Бугун Ҳамид аканинг қувончи чексиз. Унинг бригадаси колхозда биринчи бўлиб маррага етди. Гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» олиниб, давлат омборига 211 тонна юқори сортли пахта тўкилди.

Бўка ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозининг Ҳамид Абдинов бошлиқ бригадаси аъзолари ҳар гектар ердан яна 3 центнердан «оқ олтин» йиғиб олиш учун терим суръатини тобора жадаллаштирмоқдалар.

И. СУЯРҚУЛОВ.

МАШИНАЛАР ҚУДРАТИ

Аввалари колхозимизда машинага ихлос қўйганлар деярлик йўқ эди. Шу сабабли ҳам пахта териш машиналари ўз вақтида ремонт қилинмасдан ўлда-жўлда қолиб кетарди. Ишлаган машиналардан нолийдиганлар ҳам кўп эди. Шу сабабли кўпинча механик-ҳайдовчилар мавсум норкасини бажармасдан догда қолишарди.

Бу йилги иш бутунлай бошқа бўлди. Деярлик колхоздаги ҳамма бригада бошлиқлари ҳам машиналар ёрдами билан кўпроқ пахта териб олишга ҳаракат қилдилар. Ҳар бир бригадада механик-ҳайдовчиларнинг унумли ишлаши учун барча шарт ва шароитлар яратиб берилди. Натижада жуда кўп механик-ҳайдовчиларимиз кундалик терим нормаларини ошириб бажаришга муваффақ бўлишди.

Аввалари мавсумда механик-ҳайдовчилар ўртача 20—30 тоннадан пахта теришган бўлса, бу йил 80—90 тоннага етказишиб пахта тердилар.

Мен бу йил биринчи бўлиб пахта териш машинасида ишладим. Илғорлардан ўрнак олдим. Машинанинг унумли ишлаши учун кураштим. Оқибатда ишим ёмон бўлмади. Тажрибали механик-ҳайдовчилардан қолишмасдан ишладим. Натижада шу кунга қадар 80 тоннага етказиб «оқ олтин» теріб бердим.

Колхозимизнинг механик-ҳайдовчилари катта куч ва ғайрат кўрсатиб ишладилар ва республикамизнинг улкан хирмонига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Биз механизаторларнинг аҳиллик билан ишлашимиз туфайли пахтани машинада териш плани колхозда 115 процент қилиб адо этилди. Бу машиналарнинг унумли ишлашига кенг йўл очиб берилганлигининг самараси бўлди.

Биз механик-ҳайдовчилар эришилган ютуқларни янада мустаҳкамлайкиз. Даладаги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун курашамиз. Ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан йиғиштириб олишдек ватанпарварлик ишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшамиз. Янада унумли меҳнат қилиб келгуси йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаймиз.

Валентин КИМ,
Урта Чирчиқдаги «Полярная звезда» колхозининг механик-ҳайдовчиси.

ДЎСТЛАР

(ҲИКОЯ)

<>

Хомшувоқ деворга чаплаётган ганчи тугаган Карима «лойчилар ўзи ивирсилаб нима қиляпти» дея зарда билан ҳовлига чиққан эди, бир йигитнинг о, сизларда ҳам зўрлари бор экан-у!— дегани қулоғига ўқдек кирди. Атрофга аланглаб лой тоғора олдида қўлини белига тираганича, чап лабидаги тилла тишини ярақлатиб унга тикилиб турган йигитга кўзи тушди. У бригадага шу бугун янги келган Ҳамид эди. Бу ҳақда пардозчи Ҳадича опа бригадамизга янги бир йигит ишга келди, қилдеккина мўйлаби, жингалак сочлари ўзига бирам ярашган-ки, деган эди. Карима мийигида кулиб: «Мақтагани шуми ҳали?» дегандек қаради унга. Қизнинг қабариқ қовоқлари қотиб йигитга тикилиб қолди.

Янги йигитнинг ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ ўзига олифта гап қилиши ва менсимай керилиши қизнинг ўёқ-бўёғидан ўтиб кетди. Бориб яна сувоғига қўл ураётган жойида, лаби қалтираб ташқарига қаради. Қандайдир баҳона билан узоқ аламидан чиқиш учун яна ташқарига чиқди. Ҳамид тоғора четига ёғини тираганича, ингичка мўйлабини силаб-силаб. Каримага қараб турарди. Ҳали офтоб яламаган юзларида, қисиқ-ка мойил кўзларида, ҳаҳ кўраман ҳали сени, деганга ўхшаш маъно қотганди. Карима унинг олдидан тарсиллаб ўтаётган эди, Ҳамид яна шеригига гап қилди:

— Хоним ўтганларида бундай қовоқларини ҳам кўтариб қарамайдилар-а?!

Карима шуни кутиб турганди. Чарс ўгирилди-ю, узиб солди:

— Бировга олифта гап қилишдан бурун лойингизни артиб олинг. Ёнидаги шайтони зўрроқлар қийқириб кулиб юборишди. Карима Ҳамидга яқин келиб, унга ўқрайиб қаради-ю, кейин қоришма тўлатилган замбилнинг бир бошидан зарб билан кўтарди. Ҳамид унинг қанини даққилик билан сиртига юқтирмай:

— Э, жонидан, йўлингизда шунақа лойга ботиб ётибмиз-да, — деди иршайиб.

— Сиздақаларнинг йўли ҳов анови ёқда! — ғазабдан қон бошишига тепган қиз зарда билан қўлини чўзиб катта кўчани кўрсатди. Замбилнинг бир дастаси тақ этиб тушиб кетганди, тиззаси билан тутиб қолди. Кейин ортидан, бу қанақа қиз ўзи? дегандек тумшуғи чўзилиб, қовоқлари ёйилиб қолган Ҳамидга қайрилиб ҳам қарамай, тарс-турс қилганича ичкарига кириб кетди...

Қиз суюқ қорилмани деворга титроқ ичида апил-тапил чаплаб, устидан илдам андава юритар, дамбадам деразадан ташқарига қараб қўярди. Унинг юрагидагидан бехабар Хадича опа:

— Ҳа, Карима ташқарига кўп қараб қолдинг, — деди маъноли жилмайиб. Карима ундан баттар тутоқиб кетди. Хадича опага бир нима демади-ю, ташқарига қараб:

— Мунча ивирсилайсизлар, растворни тезроқ олиб келмайсизларми? — деб бақирди.

Ҳавоза устида зўрға турган семиз Ҳадича опа қизнинг овозига ғазаб ва ўкинчга ўхшаб кетадиган титроққа тушуна олмай, елка қисиб, лабини буриштириб қўйди...

Очилаётган гул аларини ўзига ром қилиш учун атрофга доим хушбўй атр исини таратиб турадиган дейдилар. Ҳаёт ошифтаси бўлган ғунча кўнгил ҳам ҳар бир гулдан ўзига муносиб ёқимли бўй қидиради. Карима ҳам кўпчилик бўй етган қизлар каби ўзи тилда, «мен ҳеч нарсани ўйламайман, фақат ишимни, хурсандлигимни, дўстларимни биламан» деса ҳам, ҳатто ўзи пайқамаган ҳолда юрагининг аллақаерида жилвиланган шўх шуҳуҳлар амри билан ҳар бир янги учратгани тенгдош ғунчага синчиклаб боқар, унинг назарини ўғирлашни, юрагини тирнашни истарди.

Бригадага янги ишга келган бу Ҳамидга ҳам ўзи сезмаган ҳолда шундай қалб ҳарорати билан назар солишга ошиқиб турганда, қулоғига қовушимсиз гап кирди. Нафсонияти оғриди, шаддодлиги қўзиди.

— Менинг совунимга кир ювмагансан шекилли, — деди ўзича. У енгил, кўчаларда кўп тентиб бурни кўтарилган, институтга кираман деб уриниб юриб кира олмаган ва эшитишича уйдагиларнинг зўри билан сувоқчилар бригадасига ишга келган бу олифтанинг нафасини жойига тушириб қўйиш йўлини топа олмай қиз таажанг эди.

— Вой сатанг олифтаей, вой сатанг олифтаей, — дерди, ўзича.

Бириси куни кечқурун бригадада тўсатдан ишлаб чиқариш мажлиси бўлиб қолди. Бригадир ҳаммани куни кеча сувоқдан чиққан уйлардан бирига тўплади. Мажлиснинг мақсадини очиб, бошқармадагилар бригада графикларини доим ошириб бажараётгани, бригада аъзолари ўқиган ёшлар ҳисобига саралангани таъкидлаб, нега шундай бригада коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашмаяпти, дейишгани айтди. «Нима дейсизлар бу гапга, нима деймиз!» дея бригадаси аъзоларининг фикрларини олиш учун бор гапни ўртага ташлади. Ҳамма тўсатдан шивирлашиб бир-бирига қаради.

Карима Ҳамиднинг дераза супачасига чордона қуриб, кесакига суянганича, бригадирнинг гапини менга даҳли йўқ, дегандек лабини буриштириб папирос сўриб ўтиргани, ҳар замонда тезроқ тугатсачи, нега керак экан бу мажлис, бу гаплар-а, дегандек ланж бир киёфада сўзловчиларга қараб қўяётганини кўрди. У кепкасининг айвонини орқасига қилиб олган, енгларини тирсагидан юқорига чиқарган, лой ёпишган поначали ингичка оёқларига ўралишганди. Пардозчи қиз Гулой ўнга нима учун-дир зимдан сузилиб қараб-қараб қўярди. Буни пайқаган Ҳамид одамлар кўриб турган бўлса ҳам, унга кўз қисарди. Гулой уялганга оларди. Гулой ҳам ахир дурустгина қиз эди-да. Икки-юзи қулчадек, бодом қовоқ, ҳиёл қийшиқ очилган фарқи ҳуснини очганди.

Гулойнинг олдида албатта Карима одмигина қиз. Қадди-қомати ҳам ундақа хипча, сулув эмас. Юзлари сал узунчоқроқ. Катта-катта думалоқ тим қора кўзлари бағрингни ёндираман, дегандек чақнаб туради. Мажлисда ҳам бу кўзлар ўйнаб, ҳаммани кузатиб турарди.

Комсомол комитетининг секретари сўзга чиқиб, бошқармадагилар сувоқчилар бригадасининг ютуқларини яхши билишларини, ҳозир бригада коммунистик меҳнат коллективи номини олишга тайёр бўлганлигини, унинг сафидаги кўпчилик ёшлар ўнинчини битирганлиги, ҳатто куни кеча бригадага ишга келган Ҳамид Қосимов ҳам ўтган йили ўнинчини битирганини, ўтган йили 10-синфни битириб қурилишга ишга келган Карима бу йил донгдор ишчи бўлиб етишганини, уни газеталарда мақтаб чиқишганини гапирди.

Комсоргдан кейин икки сувоқчи, ундан кейин прораб гапирди. Улар ҳам бригада аъзоларининг аҳиллиги, ишчанлиги, бир-бирини ҳурмат қилиши каби қатор фазилатларини санаб ўтиш билан бирга 10-синфни битирган маълумотли ёшлар кўплиги, улар қаторига бригаданинг янги аъзоси Ҳамид ҳам қўшилганлиги, буларнинг самараси ўлароқ бригада доим графикини ошириб бажараётганини гап орасига қистириб ўтишди.

Бу гапларга Карима тоқат қилиб тура олмади. У, прораб сўзини тугатар-тугатмасданоқ сакраб ўрнидан турди:

— Ўнинчини битирган маълумотли деяверасизлар! Хўш, ўнинчини битириб чўнтагига аттестат солиб олгани билан бирдан бошқа одам бўлиб қолибдими? — дея кўлини пахса қилди комсоргга. — Одамнинг чўнтагидаги эмас, башарасига, қилган ишига қараш керак, Хўш, сиз ўнинчини битирган деб мақтаётган одамларингиз орасида ўзини тута билмайдиганлар йўқми? Ҳаммаси сипсиллиқми?

— Сен шу орага бир ғалвани тиқиб турмасанг бўлмайдида, — мажлиснинг тезроқ тугашини кутаётган кимдир пўнғиллади.

Ҳамид Карима ўзи ҳақида гапираётганини пайқади, лабидаги папироси юқори кўтарилди, учбурчак қошлари тиккайди.

— Гапир, гапиравер қизим ҳаммасини, — деди кекса сувоқчи.

— Кимни назарда тутаяпсан, очиқроқ гапирсангчи? — юраги тўлиб кетди комсоргнинг.

— Ҳали бригадада ким қандақалигини ҳам билмайсизми? — қошлари туташиб кетди Каримнинг. У Ҳамидга бир ўқрайиб қараб олдида. — Ана теппангизда оёғини осилтириб ўтирибди-ю! — деди. Ҳамма Ҳамидга бараварига ўгирилиб қаради.

— Ишга келганига ҳали уч кун бўлгани йўқ, лекин неча марта графикини бажармади. Бунинг устига бу тўрам ўзларини осмон билиб, қаёқдаги гапларни қиладилар!

— Битта яримтангни яхши кўриб қолгандир-да — орадан гап қистириди ҳушмўйлов пардозчи йигит. Бошқалар бараварига кулишди унга.

— Мен сизга майнавозчилик қилаётганим йўқ. — Уни ҳам силтаб ташлади Карима. — Ўз обрўсида тура билмаган одам бошқаларни ҳурмат қилишни биладими? Ҳамма жим бўлиб қолди. Карима Ҳамидни баттар савалай кетди. Қизларга кўп бачаналик қилган, лекин ҳеч биридан бундай ҳарсаки емаган Ҳамиднинг гоҳ бўйин томирлари йўғонлашиб, ўрнидан туриб кетгудек бўлар, гоҳ дераза роми орасига чўкиб кетарди. Кариманинг феълига сира тушуна олмасди. Гулой ҳам бир четда ўтирарди. У хомуш, ҳарзамонда Ҳамидга мўлтиллайди, кўз қирини пир-пиратиб Каримага қараб қўяди. Одамлардан назарини олиб қочади.

Кариманинг аччиқ сўзларига тоқат қила олмаган Ҳамид охири:

— Жуда бижилдоқ экану бу э, мен билан нима ишинг бор, — деб бақирди.

— Ие, бўлмасам нега келдинг бизнинг бригадага—ёқасига ёпиштирди Карима.

Ҳамид бунга бир нима десангизчи, дегандек дам бригадирга, дам ёнидагиларга тикиларди.

Шу куни мажлисда коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун аҳд қилинганлиги ҳақида қарор қабул қилинди.

Бир куни Карима ўтиб бораётган эди, самосвалдан қоришма тушираётган Баҳодир Ҳамидга ўгирилиб:

— Зўр-а! — дея маъноли кўз қисди.

— Уми? Ҳа, ҳа, зўр-зўр..—деб қўйди Ҳамид ҳам овози пасайиб. кейин ўзи ҳам зўрга кулди. Карима буни сезиб борар, ичида ҳа, қалай экансан дер, шаҳло кўзларида нур жилваланарди.

Шотурсун ҒУЛОМОВ.



Калинин бошқармасидаги Ленин номли колхозда дала ишлари қизғин бораётир. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Суратларда: (тепада) шудгорлаш пайти.

Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги Охунбобоев номли колхоз (пастдаги расм) пахтаноҳорлари бу хўжалик йилини пахта йиғим-теримида ажойиб кўрсатиччларни қўлга киритиш билан якунламоқдалар. Хўжалик йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари муваффақиятли адо этди. 1666 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб хирмон кўтарилди. Колхоз миришкорлари тайёрлов пунктларига қўшимча равишда яна 700 тонна «оқ олтин» жўнатиб ҳосилдорликни гектар бошига 33,3 центнерга етказишмоқчи. Суратда: (чапда) бошқарманинг ташкилотчи —инспектори Абдували Қурбонов мавсумда 120—135 тоннадан пахта терган колхознинг илғор механик-ҳайдовчилари Сирожиддин Давлатов, Камол Муҳамедов ва Жўра Йўлдошевлар билан суҳбатлашаётир.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СССРДА КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИ ИНСОНИЯТНИНГ КЎП АСРЛАР ДАВОМ ЭТГАН БУТУН ТАРИХИДА УНИНГ ҒОЯТ БУЮК ҒАЛАБАСИ БЎЛАДИ. КОММУНИЗМНИНГ НУР СОЧИБ ТУРГАН ЧЎҚҚИЛАРИ САРИ ҚЎЙИЛГАН ҲАР БИР ЯНГИ ҚАДАМ БАРЧА МАМЛАКАТЛАРДАГИ МЕҲНАТКАШЛАР ОММАСИНИ ИЛҲОМЛАНТИРАДИ, БАРЧА ХАЛҚЛАРНИ СОЦИАЛ ВА МИЛЛИЙ ЗУЛМДАН ОЗОД ҚИЛИШ УЧУН КУРАШДА ЖУДА КАТТА МАЪНАВИЙ МАДАД БЎЛАДИ, МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ИДЕЯЛАРИНИНГ БУТУН ДУНЕ МИҚЕСИДА ТАНТАНА ҚИЛИШИНИ ТЕЗЛАШТИРАДИ.

СОВЕТ ХАЛҚИ КОММУНИЗМ НЕЪМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНА БОШЛАГАНДА ЕР ЮЗИДА ЯНА ЮЗ МИЛЛИОНЛАРЧА КИШИЛАР: «БИЗ КОММУНИЗМ ТАРАФДОРИМИЗ!», ДЕБ АЙТАДИЛАР. КОММУНИЗМ ИДЕЯЛАРИ БОШҚА МАМЛАКАТЛАРГА ҚАРШИ УРУШИШ ЙЎЛИ БИЛАН ЭМАС, БАЛКИ ЖАМИЯТНИ МУКАММАЛ ТАШКИЛ ҚИЛИШ НАМУНАСИ БИЛАН, ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАРНИ РАВНАҚ ТОПТИРИШ, ИНСОННИНГ БАХТ-САОДАТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ УЧУН БАРЧА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ БИЛАН ХАЛҚ ОММАСИНИНГ ЎЙ-ФИКРИ ВА ҚАЛБИГА ЖО БЎЛАДИ.

(КПСС ПРОГРАММАСИДАН).

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРИ

1929 йилда СССРда атиги 3,3 минг трактор (физик бирликда), АҚШда эса 229 минг трактор ишлаб чиқарилган эди. Аммо, 1961 йилда Совет Иттифоқида 601 минг трактор (15 от кучига айлантириб ҳисоблаганда), АҚШда эса 450 минг трактор ишлаб чиқарилди.

●

Бизнинг мамлакатимизда жаҳонда юксак даражада механизациялаштирилган энг йирик қишлоқ хўжалиги вужудга келтирилди. Бизда 40,6 минг колхоз ва 8,6 минг совхоз ташкил этилди.

1928 йилда мамлакатимизнинг далаларида 27 минг трактор (буларнинг кўпчилиги чет эллардан олинган эди), икки дон комбайни ва 700 юк машинаси бор эди. Ўтган йили колхоз ва совхозларда 1 миллион 280 минг трактор, дон йиғиштириб оладиган 553 минг комбайн, 840 минг юк машинаси ва кўп миқдорда бошқа машиналар бор эди.

●

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь (1953 йил) Пленумидан буён ўтган ўн йил ичида колхозларнинг даромадлари 4 миллиард 960 миллион сўмдан 15 миллиард 100 миллион сўмга етди.

●

СССР ишчиларининг реал даромадлари революциядан илгаридаги даврдагига нисбатан 5,9 баравар, колхозчиларнинг реал даромадлари эса 7 баравардан зиёд ортди.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1963 йил, 19 ноябрь. № 252 Москва шаҳри

Ракетачи ва артиллерячи ўртоқлар, ракета ва артиллерия саноатининг ходимлари!

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун совет халқи ва унинг жангчилари Артиллерия кунини байрам қилмоқдалар.

Бу йил бу традицион байрам КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорлари туфайли совет халқининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати янгидан юксалган вазиятда нишонланмоқда. Жонажон Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагида маҳкам жипслашган улуғ Ватанимизнинг меҳнаткашлари КПСС XXII съезди ишлаб чиққан коммунистик қурилиш улуғ программасини амалга ошириш йўлида зўр бериб меҳнат қилмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати урушнинг олдини олиш учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун изчиллик ва собот билан курашмоқдалар. Бу курашни ер юзидаги прогрессив кучларнинг ҳаммаси қўллаб-қувватламоқда. Лекин биз шуни унутмаслигимиз керакки, империализмнинг урушқоқ доиралари халқаро кескинликни юмшатишга зўр бериб қаршилик кўрсатмоқдалар, янги жаҳон уруши планларини тузишни ҳали ҳам давом эттирмоқдалар.

СССРнинг Қуролли Кучлари коммунизм қураётган совет халқининг тинч меҳнатини хушёрлик билан қўриқлаб турибдилар ва агар агрессор уруш бошлайдиган бўлса, унга қақшатгич жавоб зарбаси беришга ҳамиша тайёрдирлар.

Ракетачи жангчиларга ва артиллерячиларга энг даҳшатли ва қудратли техника топшириб қўйилган. Ракетачилар ва артиллерячиларнинг ватанпарварлик бурчи шуки, улар жанговарлик маҳоратини, сиёсий билимларини такомиллаштириш йўлида тинмай меҳнат қилишлари, янги мураккаб ракета техникасини қунт билан эгаллаб олишлари, юксак даражада хушёр бўлишлари, ҳамиша жанговар тайёр бўлиб туришлари лозим.

Сизларни Артиллерия куни байрами билан табриклайман ва қутлайман. Ракета қўшинлари ва артиллериянинг шахсий составига жанговар ва сиёсий тайёргарликда, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ҳамда қўшилмалар ва қисмларнинг жанговар тайёргарлигини оширишда янги муваффақиятлар тилайман.

Ракета ва артиллерия саноатининг ҳамма ходимларига биринчи даражали ракета ва артиллерия техникасини яратишда янги муваффақиятлар тилайман.

Артиллерия куни байрамини нишонлаб буюраман:

Бугун, 1963 йил 19 ноябрда Ватанимиз пойтахти Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида, шунингдек қаҳрамон шаҳарларда йигирма марта тўп отиб салют берилсин.

Яшасин коммунизм қурувчи улуғ совет халқи!

Яшасин совет Қуролли Кучлари ҳамда уларнинг шонли ракета қўшинлари ва артиллерияси!

Совет халқининг барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР Мудофаа министри,
Совет Иттифоқи маршали
Р. МАЛИНОВСКИЙ.

БУГУН АРТИЛЛЕРИЯ КУНИ

Рассом А. Добров ишлаган плакат (Изогиз). ТАСС фотохроникаси.

ҚИШЛОҚ ОБОД БЎЛМОҚДА

Бундан бир неча йил илгари Оҳангарондаги Боқсув қишлоғи кўримсиз бир жой эди. Ўрта Чирчиқ район советининг депутатлари сабзавотчилик совхози 4-бўлимининг бошлиғи И. Мирзалиев, сабзавотчилик бригадаси бошлиғи А. Абдуалиев ўртоқлар бу қишлоқни кўркам ва обод қишлоққа айлантиришда яқиндан ёрдам бердилар.

Тез орада қишлоқ хонадонлари электрлаштирилди. Қишлоқ меҳнаткашлари учун чиройли клуб ва ўрта мактаб бинолари қурилди ва фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ кўчалари текисланиб, қум-шағал тўкилди. Кўчалар атрофига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ҳозир қишлоқ ишчилари фаровон турмуш кечираётирлар. 15 дан ортиқ киши ўз телевизорига, 2 киши ўзининг «Москвич» енгил машинасига эга.

И. АҲМЕДОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ТИНЧЛИКНИНГ СОДИҚ ПОСБОНИ

Ҳозирги совет артиллериясининг ҳаёти ўйласам беихтиёр 1930 йиллардаги Қизил Армиянинг артиллерия билан қуролланган кўз олдимга келади. Ўша вақтлардан буён қандай буюк ўзгаришлар юз берди. Москванинг Қизил майдонидан ўтган ҳарбий парадни кўрган ҳар бир киши ҳозирги Совет артиллериясини — ракета ядро асрининг артиллериясини қандай юксак босқичга кўтарилганини кўради. Ҳозирги техника биз яқин ўтмишда кўрган техникадан ер билан осмонча фарқ қилади.

Шонли айём — Артиллерия кунини нишонлаётган ракетачилар ва артиллерячилар Совет артиллериясининг босиб ўтган жанговар йўлини доимо эсда сақлайдилар. Бунда дастлаб, албатта, граждан урушида ва чет эл интервенцияси, Қизил Армия эндигина ташкил қилиниб, 14 давлатнинг қутуриб қилган ҳужумини қаҳрамонона бартараф этган дамлар эсга тушади. Ўша кезларда, уруш туфайли вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш йилларида ҳам совет артиллериясининг ҳиҳоят даражада кучсиз, жуда секин ривожланиб келаётган эди. Ёш Совет ҳокимияти бунинг учун на моддий маблағ, на техник имкониятларга эга эди.

Маълумки, совет халқи ўз социалистик индустриясини капиталистик қуршов шароитида, четдан ҳеч қандай ёрдам олмасдан барпо этди. Бу катта матонат, хўжаликнинг ҳар бир соҳасида қаттиқ тежаш режимига риоя қилишни талаб этарди. Халқаро вазиятдан фойдаланиб, биз армиямизни қуроллантиришга ҳам маблағ топаолдик.

СССР индустриал қудратининг ўсиб, ривожланиши Совет Армиясини техник жиҳатдан замонавий ва қудратли қуроллар билан таъминлаш вазифасини муваффақиятли ҳал этди.

Иккинчи беш йилликлар давомида мамлакатимизда артиллерия қуролларини оммавий ишлаб чиқариладиган база вужудга келтирилди.

Гитлерчилар Германияси СССРга ҳиёнаткорона ҳужум қилган вақтга келиб, Совет Артиллерияси айрим камчиликларига қарамай, қудратли қурол турларидан бўлди. У, бостириб келаётган душманнинг йўлини тўсаоладиган, жангчиларимизнинг олға сиёжишлари учун йўл очиб берадиган, душманнинг ўт очиш воситаларини ва тўсиқларини яксон этаоладиган, жангда эса унинг қаршилигини синдираолиш қудратига эга эди.

Аммо урушнинг дастлабки ойларида совет артиллерияси бу вазифаларни тўла-тўкис ҳал этаолмади. Нима учун? Чунки фашистлар Германиясининг қўққиси билан қилган ҳужуми унинг армияси учун дастлабки вақтларда катта устунликка эришиш имконини туғдирди. Қизил Армия она-Ватанининг ҳар бир қарич ерини қаттиқ қаршилик кўрсатиб, чекинишга мажбур бўлди.

Совет артиллерияси 1941—42 йиллар қишида, Москва бўсағаларида чинакамига ўз қудратини намойиш қилди. Бу «намойиш»нинг натижалари салмоқли бўлди. Гитлерчилар йўқотган 770 дан ортиқ танкларнинг кўпини совет артиллерияси яксон қилди. Артиллерячиларимиз сўнгги ўқ қолгунча жанг қилардилар. Москва остонасидаги жангларда душманнинг танк қисмларига қарши курашда катта қаҳрамонликлар кўрсатган 9 та артиллерия полки, унинг автоматчи ва пиёда қўшинлари гвардиячилар номини олишга муваффақ бўлдилар.

1942 йилнинг иккинчи ярмидан Ғалаба кунигача совет артиллерияси саноатидан кўплаб қурол яроғ ва ўқ-дорилар олиб турди. Улуғ Ватан уруши йилларида совет саноати фронт учун 700 миллиондан ортиқ снаряд ва миналар етказиб берди. Бу — биринчи жаҳон урушининг тажрибасидан шунча муддати ичида рус артиллерияси эга бўлган снаряд ва миналардан 14 марта кўпдир. Социалистик индустрия ўз армияси учун юз минглаб тўп ва миномётлар етказиб турди.

Қурол-яроқларнинг тўхтовсиз, кўплаб ишлаб чиқарилиши туфайли совет артиллерияси уруш давомида қудратли қўшин турига айланди. 1941 йили Москва остоналарида фронтнинг ҳар бир километрига 40—50, 1942 йилнинг кузида Волгада 80—90, 1944 йили ёзида 180—220, кейинчалик эса 300 га яқин тўп тўғри келди. Берлинни олиш учун олиб борилган ҳал қилувчи жангларда 41,5 мингдан ортиқ тўп ва миномётлар иштирок этди.

Жангларда моҳир артиллерия ҳарбий қўмондонлари, ўн минглаб тажрибали жанговар артиллерячи офицерлар етишиб чиқди.

Улуғ Ватан уруши йилларида 1 миллион 200 минг артиллерячи орден ва медаллар билан мукофотланди. 1800 дан ортиқ артиллерячига юксак ҳукумат мукофоти — Совет Иттифоқи Қаҳрамони номи берилди.

Артиллерячилар Совет Қуролли кучлари шонли тарихнга буюк қаҳрамонлик намуналари ёздилар. Минглаб қаҳрамон жангчилар ўз ҳаётларини халқ бахти учун, социалистик Ватанимизнинг мустақиллиги учун фидо қилдилар. Уларнинг номлари авлодлар хотирасида абадий сақланажак.

Урушдан кейинги даврда совет артиллерияси қайта такомиллаштирилди. Эскириб қолган қуроллар ўрнига янгиданянги артиллерия техникаси жорий қилинди. Ҳозир Совет Армиясининг асосий ҳарбий қудрати ракета-ядро қуроллари ҳисобланади.

Совет ракеталари товушдан юксак тезликда, энг узоқ масофаларга учиб боради. Улар атом ва термо ядро зарядларини нишонга аниқ олиб бораоладилар, ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам зарба бераоладилар, душманни ерда, денгизда ва ҳавода яксон қилаоладилар.

Ракета-ядро қуроли ҳарбий стратегияда ўзига хос революция қилди. Эндиликда, географик жиҳатдан ўқ етиб бороллмайди, деган тушунча эскириб қолди.

Қисқаси ҳозирги вақтдаги артиллериямиз ҳарқандай душманни, ҳарқандай масофада тормор қилишга қодир. Бу қудратли зўр қуролни совет олимлари, инженерлари, ишчилари яратдилар.

Федор САМСОНОВ,
артиллерия генерал полковниги (АПН).

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

Ўзбекистон журналистлар союзи правлениеси президиумининг навбатдаги мажлисида «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори М. Қориев халқлар дўстлигига бағишланиб, Тбилисида ўтказилган Бутуниттифоқ журналистлар семинари ҳақида ахборот берди.

Президиум Ўзбекистон матбуоти ва радиоси ходимларининг халқлар дўстлиги ва меҳнаткашларни интернационал рухда тарбиялаш ғояларини пропаганда қилиш соҳасидаги фаолиятини журналистлар союзи правлениесининг пленумида муҳокама этишга қарор қилди.

Шунингдек Тошкент, Сирдарё, Самарқанд областларидаги ишлаб чиқариш бошқармалари ва область газеталарида меҳнаткашлар хатлари билан ишлаётган журналистларнинг областлараро семинар машғулотларининг якунлари муҳокама қилинди.

Президиумда Улуғ Ватан уруши фронтида халоқ бўлган Ўзбекистон журналистларига бағишланган тўпламни яратиш масаласи муҳокама қилинди.

Жамоатчилик асосида нашр этилган «Совет Ўзбекистонининг бир куни» китобини яратишда актив иштирок этганликлари учун полиграфия ходимларидан катта группасини президиум Ўзбекистон журналистлар союзининг ёрлиқлари билан мукофотлади.

(ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК

ПРАГА, 16 ноябрь. ТАСС мухбири И. Масленников хабар беради: Чехословакиянинг минглаб ишчилари, деҳқонлари фан адабиёт ва санъат арбоблари Чехословакия-Совет дўстлиги ойлиги муносабати билан ўтказилаётган хилма-хил тадбирларда қатнашмоқдалар. Бутун мамлакатда традицион дўстлик ойлигига бағишланган тантанали кечалар ва йиғилишлар, лекциялар ва концертлар, конференциялар ва дўстона учрашувлар ўтказилмоқда.

Чехословакия меҳнаткашлари СССР Олий Совети ва Миллатлар советининг раиси Я. В. Пейвени, Совет Иттифоқи маршали И. С. Коневни ва Совет-Чехословакия дўстлиги жамияти делегациясининг бошқа аъзоларини ўзларининг жонажон ака-укаларидек кутиб олмоқдалар. Делегация аъзолари мамлакатнинг ҳамма жойини бориб кўришди. Уларнинг Острава кончилари ва металлургларги билан, Брно машинасозлари ва Пильзень машинасозлари билан учрашувлари ҳар иккала халқ ўртасидаги бузилмас дўстликнинг ёркин намойишига айланмоқда. Ҳар иккала мамлакатнинг вакиллари социалистик мамлакатлар халқларининг замон синовидан ўтган дўстлиги, бирлиги ва жипслигини бундан буён ҳам мустаҳкамлашга ўзларининг қаттиқ бел боғлаганликларини суҳбатлар ва учрашувларда изҳор қилмоқдалар.

Ишчилар ва мутахассислар совет саноати илғорларининг муваффақиятини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Совет новаторларининг тажрибалари жорий қилинганлиги натижасида фақат кейинги икки йилнинг ўзида Чехословакия халқ хўжалиги учун 35 миллион крон маблағ тежалди.

Чехословакияда Совет саноати илғорларининг тажрибасини янада ёйишга бағишланиб, ҳозир мамлакатнинг кўп корхоналарида конференциялар ўтказилмоқда, совет металлургги, кончилари, машинасозлари, химиклари, тўқимачиларининг иш методларини қўллаётган новаторларнинг мактаблари очилди.

Икки ярим миллион кишидан кўпроқ аъзоси бўлган Чехословакия-Совет дўстлиги союзининг активлари жамоатчилик учун доклад ва лекциялар ўқимоқдалар. Улар КПСС тажрибасининг халқаро аҳамияти тўғрисида, Совет Иттифоқи ташқи сиёсатининг ленинча принциплари ҳақида, Чехословакия-Совет шартномаси ҳақида ва бу шартноманинг бу йил 20 йиллиги нишонланиши тўғрисида гапириб бермоқдалар.

СССР халқларига мактубни Чехословакия-Совет чегарасига олиб келаётган дўстлик ва тинчлик эстафетасининг қатнашчиларини ҳамма жойда ўн минглаб кишилар кутиб олмоқдалар.

❁ *Традицион дўстлик ойлиги.*
❁ Миллий кенгаш мурожаати.
❁ Даҳшатли портлаш оқибатлари.

АМЕРИКА-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ МИЛЛИЙ КЕНГАШИНИНГ АМЕРИКА ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Америка-Совет дўстлиги миллий кенгаши «Нью-Йорк таймс» газетасида Америка халқига мурожаат эълон қилди.

Мурожаатда тинчликсевар америкаликлар «Америка-Совет муносабатларида бурилиш ясашни талаб қилиш»га даъват этилади.

Кенгаш ядро синовларини батамом тақиқлаш тўғрисида шартнома тузишни, ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақида бир битимга келишни, Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасидаги низоли масалаларни тинч бартараф этишни, НАТО мамлакатлари билан Варшава шартномаси мамлакатлари ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида пакт тузишни ҳамда Америка-Совет савдо муносабатларини нормаллаштиришни тавсия қилади.

Америка-Совет муносабатларини яхшилашда бурилиш ясаш, дейилади мурожаатда, ҳар иккала мамлакат халқларига фойдали бўлиб, бутун дунёда тинчлик ишини ғоят мустаҳкамлайди.

Қутқариб қолинган япон шахтёрларининг ҳаёти хавф остида

ТОКИО, 16 ноябрь. (ТАСС). «Микава» шахтасида рўй берган даҳшатли портлаш натижасида 450 шахтер ҳалок бўлди, уларнинг бир амаллаб омон қолган ўртоқлари эса кон гази билан заҳарланди. Врачларнинг айтишича қараганда, касалхонага ётқизилган 29 шахтернинг соғлиги жуда ёмон аҳволда. Қутқариб қолинганларнинг кўпчилигининг асаби қаттиқ бузилган ва эсини йўқотиб қўйган. Шахтерлар ўзларининг номларини ва неча ёшга кирганлигини айта олмаётирлар. Улар ўзларининг хотинларини танишмаяпти ва ўтган шанба куни ўзларининг қандай ҳодисага дучор бўлишганини эслаша олишмаяпти. Врачлар бу касалликлар кон гази билан заҳарланишнинг оқибатидир, демоқдалар.

Шахтерларнинг маҳаллий касаба союзи навбатдан ташқари чақирилган мажлисида шахталарнинг эгаларидан жабр кўрганларга ва уларнинг оила аъзоларига ёрдам кўрсатишни ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўриладиган чораларни кучайтиришни талаб этишга қарор қилди.

Бирлашган Араб Республикасида Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилаётган баланд Асуан тўғони Африка қитъасидаги энг йирик сув иншоотти бўлади. Тўғоннинг баландлиги 111 метр бўлиб, у ҳосил қиладиган катта нўл Нил дарёсини жиловлайди. Бунинг натижасида Мисрда сугориладиган ерлар майдони яна 30 процентга кенгаяди. Бу эса ёш Араб Республикасига пахтадан, дондан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан нўпроқ ҳосил олиш имконини беради. Бу ерда қурилаётган гидроэлектростанциянинг қуввати 2 миллион киловаттдан ортиқдир. Ҳозир электростанция учун бетон ётқизилмоқда. Бу ишда 20 мингдан ортиқ араб ва совет ишчиси, техник ва инженерлари елкама-елка туриб меҳнат қилаяптилар. Суратларда: (чапда) қурилишда ишлаётган араб ва совет мутахассисларидан бир группаси. (Чапдан ўнгга): В. А. Скрамнюк, Е. В. Григорьев, Хасан Мурси, Али Маҳмуд, Минеси Мохараш. Ўнгда: гидростанция қурилишининг умумий кўринниши.

В. Будан фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

19 НОЯБРДА
БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Келажакка хат** (болалар учун телевизион очерк). 18.25 — **Телевизион янгиликлар.** 18.45 — **Артиллерия куни** (эшиттириш ва концерт). 19.45 — **Волгадаги буюк жанг** (ҳужжатли фильм).

21.00 — **Эртанги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 21.05 — **Телевизион янгиликлар.** 21.25 — **Ерқин ҳаёт** телевизион журнали.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/XI да **Майсаранинг иши**, 20/XI да **Жизель.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 19/XI да **Шубҳа**, 20/XI да **Номус.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/XI да **Жон қизлар.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ залида — 20/XI да кеч соат 8 да **Эстрада концерти.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Мирнаримова, Муҳаммаджон Мирзаев**, солистлардан **Фахриддин Умаров, Дилбар Абдуллаева, Муҳаббатхон Мусаева** ва ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 20, 21/XI кеч соат 8 да СССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати **Ҳалима Носирова** иштирокида **Ўзбек давлат эстрадаси солистларининг концертлари.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Учқун Ғаниев, Пўлатжон Раҳимов**, солистлардан **Исҳоқ Катаев, Малоҳат Дадабоева, Назрулла Ёқубов, Чўлпон Тоҳирова, Тухон Қодирова, Тўхта Рисметова, Зайтуна Тожибоева, Ғулом Тожиаълоев** ва бошқалар қатнашади. Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли жўр бўлади. Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 20/XI да **Дун Цин-фу** раҳбарлигида **Оригинал аттракцион.** Кеч соат 8 да бошланади.

„Тошкент ҳақиқати"га 1964 йил учун обуна БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

ОБУНА БАҲОСИ:

1 ойга 44 тийин.
3 ойга 1 сўм 32 тийин.
6 ойга 2 сўм 64 тийин.
12 ойга 5 сўм 28 тийин.

ЭСЛАТМА: обуна бўлаётганингизда саноат ва қишлоқ хўжалиги бўйича алмашинадиган саҳифаларнинг қайси бирига ёзилишингизни кўрсатинг.

АЙРИЛИҚ ХИЖРОНСИЗ БЎЛАДИ

«... Мен ишонаманки, Тошкент сенга ёқади», аллақаердан аёл кишининг овози эшитилди. Ўйинг ўёқ-бўёғига алангласиз. Хонада суҳбатдошлар кўринмайди. Овоз қаердан чиқди экан? Ҳайрон бўлманг. Биз ҳозир пойтахтимиздаги овозни ёзиб олувчи фотостудиядамиз. Бу—Ленинграддаги дугонасига хат юборяётган аёлнинг ёзиб олинган товуши экан.

Бу ерда фақат овозгина эмас, балки ижро этилган куй ва ўқиган шеъринги ҳам ёздириб олишингиз мумкин. Шунингдек, пластинкага ўз суратингизни қўйдирсангиз ҳам бўлади.

Л. ГЛАУБЕРЗОН.

Редактор А. ИСМОИЛОВ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор — 29004. Редактор ўринбосари — 26232. Масъул секретарь — 34808. Секретариат — 31936. Идеология бўлими — 25885. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 33786. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р. 14863. Индекс 64695. Нашр. № 1725.